

# Олимнинг о‘лими билан Исломда бо‘шлиқ пайдо бо‘лади

21:37 / 27.04.2016 3569

Ҳасан Басрий (ра) айтадилар: “Олимлар юлдузларга ўхшайди. Агар кўриниб турса, одамлар улар билан йўл топишади. Агар кўздан йўқолиб, зулматда қолса, қаёққа юришини билмай, ҳайрон қолишади. Олимнинг ўлими билан Исломда бўшлиқ пайдо бўлади. Вақт ўтса-да, бу бўшлиқни бирор нарса тўлдиролмайди”. Албатта бу ерда гап илм борасида кучли бўлган инсонлар ҳақида кетмоқда. Билимсизлик билан сўровчиларга фатво бераётганлар бундан мустаснодирлар.

Билимсиз равишда фатво бераётганлар қанчалар кўп. “Намоз ўқимаса ҳам бўлаверар экан, ароқни ичиши эмас маст бўлиб кўчада тўполон қилиши харом экан, у экан, бу экан” деган гапларни айтадиганлар ҳар қадамда учраб туради. Баъзи-бир чаласаводлар эса, икки-уч оғиз нарсани чала ёдлаб олиб, мусулмонларни ярмидан кўпини кофир ёки мушрикка, дунёдаги аксар нарсаларни чиқариб юрадилар. Икки тамон ҳам Аллоҳдан кўрқмайди, охиратни ўйламайди. Билиб туриб тўғриси айтадиганлар ҳам оз эмас, дунёнинг мансабини ўйлаб, бойларга, амалдорларга ва зўравонларга яхши кўринаман деб шариятни ҳукмини эмас ўшаларни хошияни айтаётганлар ҳам маълум ва машҳур. Бу икки ҳолат ҳам ўз эгалари ва мусулмонлар бошига кўпгина бало-офатлар ёғдириши турган гап. Бундай бало-офатлардан қутилиш учун ҳар ким ўз чегарасини билиши керак. Билмаган лаёқатсиз кишилар, инсоф қилиб диний ишларга аралашмаслиги фатво беришга ўтмасликлари фарз. Ким фатво бермоқчи бўлса, хато гапни айтса гуноҳи ўзининг бўлишини ўйлаб қўймоғи лозим. Билган кишилар эса Ислом таълимотларини, шарият ҳукмини билган нарсасини тўғрилигича етказиши лозим ва лобуд. Агар тўғриси айтиш жонига таҳдид соладиган бўлса жим турсин. Лекин ёлғон гапириб, тўғри нарсани билиб тескарисини айтмасин. Билмаган одамларни бир оғиз сўзи билан қанчадан-қанча одамлар залолатга кетишига, гуноҳга ботишига сабаб бўлади. Беш кунлик дунёнинг матоҳини деб ўзини ҳам ўзгаларни ҳам охиратини куйдирмасинлар.